БУГУН—СОВЕТ АРМИЯСИ ВА ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИ КУНИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2-йил чиқиши. 23 ФЕВРАЛЬ 1967 й. ПАЙШАНБА. № 46 (201). БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ҲАРБИЙ ҚУРУВЧИЛАР ТОШКЕНТГА

Социалистик Ватанимизнинг Қуролли Кучлари ўзининг 49 йиллик байрамини ғалабалар ва қаҳрамонликлар билан нишонламоқда. Гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши йилларининг тарихий саҳифаларига қанчадан-қанча ўлмас қаҳрамонларнинг номи ёзилди.

Коммунизм қураётган Советлар мамлакатининг халқлари эндиликда олий мақсад сари комил ишонч билан олға бормоқдалар. Бутун совет халқи тинчлик ва фаровон турмуш кечираётган кунларда ҳарбий хизматчилар ҳам улар билан ёнма-ён туриб меҳнат фронтида тер тўкмоқдалар.

Ўзбекистон пойтахтида бўлган зилзила кунларида Қуролли Кучларнинг ҳарбийлари биринчи бўлиб мардона шаҳарга ёрдамга келдилар. Зилзила бўлиб турган кунларда шаҳар кўчаларида ҳарбий қурувчиларнинг чодирларидан ташкил топган шаҳарчалари кетма-кет пайдо бўла бошлади. Узларининг аскарлик бурчларини адо этиш учун бепоён Ватанимизнинг барча ўлкаларидан ҳарбий қурувчилар пойтахтимизга етиб келишди. Улар шу дамгача тошкентлик оилалар учун ўн минг квадрат метрдан ортиқ турар-жой бинолари қуриб бердилар.

Совет Армияси ва Ҳарбий-денгиз флотининг 49 йиллик байрами арафасида «Тошкент оқшоми» газетасининг мухбири янги Тошкентни барпо этишда қатнашаётган қурилиш бўлинмалари бошқармасида бўлди.

Қурувчи аскарлар ҳаёти, уларнинг меҳнати ҳақида ҳикоя қилувчи хушхабарларни газетхонларга ҳавола қиламиз.

ЯХШИ ТАШАББУС

Ҳарбий қурувчилар бўлинмаси бўш вақтларида маданий ҳордиқ чиқариш ташаббускори бўлдилар. Ҳарбий қурувчилар канап фабрикаси ишчилари билан биргаликда концерт уюштирдилар. Ҳарбийлар ва уларни оталиққа олган фабрика саҳналарида бўлиб ўтган дастлабки томошалар катта муваффақият қозонди.

Бу ташаббусни тўқимачилар ҳамда улар оталигида бўлган бўлинма қурувчилари ҳам қўллаб қувватладилар. Бу ерда ҳам бирлашган агитколлектив тузилди.

Бадиий ҳаваскорлик тўгаракларни кўпгина қурилиш бўлинмаларида ва уларни оталиққа олган корхоналарда ҳам ташкил топади.

РАҚАМЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

Бошқарма 1966 йил планини 108 процент адо этди.

Меҳнат унумдорлиги планда белгиланганидан 22 процент ортди.

Ўтган йили 12 мингдан ортиқ квартиралар, 100 та мактаб ва бошқа ўқув муассасалари, 20 та болалар боғчаси,

100 дан ортиқ маъмурий ва саноат бинолари сифатли ремонт қилинди.

1500 квадрат метр саҳнли янги турар-жой бинолари қурилди.

ДЎСТЛИК ИПЛАРИ

Офицер Рижков бўлинмаси билан Подшипник заводи ишчилари ўртасида мустаҳкам дўстлик ўрнатилди.

Яшил ийнем ийнеб олган қурувчилар бу корхонада уч марта шанбалик ўтказиб, завод территориясини чиннидек қилишди ва темир-терсаклар тўплашди. Ҳарбий қурувчилар завод коллективига уй-жойлар ремонтида ёрдамлашмоқда. Завод ўз автомашиналарини ҳарбийлар хизматига бериб туради. Уларнинг экскурсияларга боришларида, ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашишларида яқиндан кўмаклашади.

Бу тадбирларнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини оширишга, сифатли ишлашга, бўш вақтларни кўнгилли ўтказишга ёрдам бермоқда.

АГИТПУНКТЛАР ЧОРЛАЯПТИ

Қурилиш бўлинмаларига жойлашган агитпунктлар чироқлари кечқурунлари порлаб туради. Хоналарни аскарлар тўлдирадилар. Бу агитпунктларда юзлаб агитаторлар оммавий-сиёсий ишлар олиб бормоқдалар. Барча агитпунктларда Совет ҳокимиятининг 50 йиллигига бағишланган лекция ва докладлар ўтказилмоқда ҳамда сайлов ҳақидаги Низом ўрганилмоқда.

САФЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Ҳарбий қурувчи-комсомоллардан мингдан ортиқ киши комсомол билетларини янгилаб олдилар.

Бу бўлинмаларнинг шахсий составлари орасида дейди комсомол ишлари бўйича старший лейтенант Д. Кузьмин, — тегишли тушунтириш ишлари ўз вақтида олиб борилди, комсомолларнинг масъулиятларини оширишга катта эътибор берилди. Натижада комсомоллар жамоачилик ишларида ҳам актив қатнашмоқдалар.

Комсомол ҳужжатларини алмаштириш билан бир вақтда, бошланғич комсомол ташкилотлари сафларини кенгайтиришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Кейинги уч ойнинг ўзидаёқ 30 дан ортиқ аълочи аскарлар ВЛКСМ сафига қабул қилинди. Кўпгина қурилиш отрядларининг жангчилари ҳам Коммунистик ёшлар союзига аъзо бўлиб кириш учун тайёргарлик кўрмоқдалар.

КАСБ ЎРГАНМОҚДАЛАР

«Главташкентстой»нинг илғор корхоналарида ҳарбий қурувчилар тайёрлайдиган ўзига хос курслар иш бошлади.

«Крупнопанельстрой» трестида бу иш қандай амалга оширилмоқда?

Январь ойининг бошларида корхонага учта қурилиш ротаси етиб келди. Аскарлардан жуда кам киши йирик панель қурилиши билан таниш эди. Шу сабабли взвод ва бўлинмаларга тажрибакор ишчилар биркитиб қўйилди. Иш жараёнида ҳарбий қурувчиларга оммавий ва якка ҳолда касб ўргатиб борилди. Натижа яхши самаралар берди.

Ҳозир йирик панелли қурилишлар ишини пухта ўрганиб олган 200 дан ортиқ аскарлар юксак меҳнат унумдорлигига эришмоқдалар.

Уларнинг кўпчилиги кундалик топшириқларни ортиқ билан адо этишмоқда.

ПЕШҚАДАМЛАРГА ФАХРИЙ ЁРЛИҚЛАР

Ҳарбий қурувчиларнинг бошқармасидаги комсомол ташкилоти ўз сафига беш мингдан ортиқ комсомолларни бирлаштирган. Қалби олов бу комсомолларнинг барчаси янги Тошкентни қайта тиклаш ишида фаол қатнашмоқдалар.

Совет Армияси ва Флотининг 49 йиллиги арафасида ЛКСМ Тошкент шаҳар комитети энг яхши қурувчиларга Фахрий ёрлиқлар топширди. Мукофотланганлар орасида оддий аскарлардан Николай Вояднов ва Николай Митрофанов ҳам бор. Бу йигитлар мардлик шаҳри қурилишларига келган биринчи кунларидан бошлабоқ ўзларининг ажойиб меҳнатсеварликларини намоён этдилар. Улар ўз бўлинма ва взводлари шарафи учун меҳнат қилмоқдалар. Илғорларнинг меҳнат унумдорлиги бир ярим баравардан кам бўлмаяпти.

ЛКСМ шаҳар комитетининг Фахрий ёрлиғи ҳарбий қурувчи комсомолга топширилди.

ИШ ВАҚТИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА

Бошқарманинг ҳарбий бўлималари Тошкентни қайта тиклаш ва қуриш объектларида меҳнат қилмоқдалар. Ҳозир улар ишлаётган 450 дан ортиқ қурилиш майдонларида иш фронти кизғин олиб борилмоқда. Кўпгина бўлинмалар, айниқса кичик объектларда ишлаётган бўлинмалар шаҳар транспортида қатнашаяпти. Бунинг учун қанчадан-қанча қимматли вақтлар бекорга сарфланади.

«Главташкентстой» бошқармаси иш вақтидан унумли фойдаланиш мақсадида бўйруқ чиқарди. Бўйруққа асосан ҳарбий қурувчилар бўлинмалари эндиликда олис жойлардаги қурилишларга қатнаб ишламайдилар, балки ўзларига яқин йирик қурилиш объектларида ишлайдилар. Бу тадбирнинг амалга ошиши билан вақтдангина ютиб колмай, меҳнат унумдорлигини оширишга, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга эришилади.

Бўйрук муносабати билан ҳарбий қурувчи отрядлар ўзларига аниқ тадбирлар белгилаб олмоқдалар.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

«Главташкентстой»нинг бошқармасида хизмат қилаётган ҳарбий қурувчилар бўлинмалари Ватанимизнинг шонли байрами — Совет Армияси ва Ҳарбий-денгиз флоти кунини меҳнатда янгидан-янги ғалабаларни қўлга киритиш билан нишонламоқдалар. Шу кунларда кўпгина взвод ва бўлинмалардан февраль ойи топшириғини муддатидан илгари адо этганликлари ҳақида кетма-кет рапортлар келиб турибди.

Капитан Дороша раҳбарлигидаги рота меҳнат унумдорлигини анча оширди. Бу ротанинг ҳарбий қурувчилари уй-жойларни сифатли ремонтдан чиқариб, ойлик планни муддатидан илгари адо этдилар.

ҚЎЛДАН БЕРМАЁТИРЛАР

Янги Тошкентни қайта қуришда меҳнат қилаётган офицер Летягин бошлиқ бўлинма тўрт ойдан буён муттасил социалистик мусобақа ғолиби бўлиб, шаҳар партия комитети, шаҳар ижроия комитети ҳамда «Главташкентстой» таъсис этган Кўчма Қизил байроқни ўз қўлида сақлаб келмоқда.

Бўлинманинг кундалик меҳнат кўрсаткичи — 130 процентдан пастга тушмаяпти. Бу илғор бўлинма февраль ойи топшириқларини бир ярим баравар адо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

ИШ ҲАҚИ ОРТМОҚДА

Офицер Имомиддинов бошлиқ ҳарбий-қурувчилар бўлинмаси белгиланган иш нормаларини ортиғи билан бажариб, пешкадамликни қўлдан бермай келяпти. Бу бўлинма январь ойида планни 147 процент бажарди. Иш нормаларини ортиғи билан бажариш қурувчиларнинг иш ҳақларини оширмоқда. Оддий солдатлар ва сержантлар ҳар ойда камида 100 сўмдан иш ҳаки олишга муваффақ бўлмоқдалар.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» МУКОФОТЛАДИ

Илғор ҳарбий қурувчилар учун «Главташкентстой» натта пул мукофоти ажратди. Бундай мукофотга кўпгина бўлинмалар сазовор бўлди.

РАЙКОМ ВА ҲАРБИЙ ҚУРУВЧИЛАР

Куйбишев район партия комитети пропаганда ва агитация бўлинмаси ҳарбий қурувчиларга оталиқ қилиб келмоқда. Ҳар бир бўлинма бўйича пухта ўйланган оммавий-сиёсий ишлар плани тузиб чиқилди. Олиб бориладиган тадбирлар рўйхати босма-хонада босиб чиқарилган. Район партия комитети ҳарбий қурувчилар ўртасида олиб бориладиган суҳбатлар, лекция ва докладларнинг қандай амалга оширилаётганлиги ҳақида контроллик қилиб турибди. Мана шу бўлинмаларда маданий-оммавий тадбирларни ўтказишда райондаги барча корхона ва ташкилотларнинг агитация коллективлари жалб этилган.

МЕҲНАТДАН СЎНГ РОҲАТ

Шонли Совет Армияси ва Ҳарбий-денгиз флотининг 49 йиллиги арафасида барча қурилиш бўлинмалари ўзлари истиқомат қилиб турадиган жойларини қулай безатиб олишди. Кўпчилик бўлинмаларда солдатлар клубининг эшиклари очилди. Бу клубларнинг ҳар бирига 400—500 киши сиғади.

Ҳамма жойда ошхона ва овқатланадиган хоналарга холодильниклар ҳамда бошқа жиҳозлар қўйилди. Сушилкалар узлуксиз ишлаб турибди. Ҳар бир бўлинма билан телефон орқали алоқа ўрнатиш мумкин.

ЧЕВАРЛАР АҲДИ

Тошкентдаги «Юлдуз» фирмасининг коллективи синтетик толадан ишлаб чиқараётган костюмлар истеъмолчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Фирманинг 3-тикув цехи коллективи юбилей йилини муваффақиятли бошлади. Фақат шу йилнинг январь ойида пландан ташқари 300 та эркаклар костюми ишлаб чиқарилди.

Лола Азимова бошлиқ коммунистик меҳнат бригадасининг аъзолари бошқаларга намуна бўлиб ишлаяптилар.

Бу ерда 15 йилдан ортиқ самарали меҳнат қилиб келаётган М. Елисеева, Д. Багриновская, Н. Патрина сингари тикувчилар костюм тикишнинг барча жараёнларини мукаммал ўзлаштирдилар.

Яқинда эса цехда Венгриядан келтирилган костюм ёқасини ишлайдиган пресс ўрнатилди. Бу бир вақтнинг ўзида ёқани дазмоллайди, намлигини тортиб, маҳсулотни бежирим қилади.

Совет ҳокимиятининг 50 йиллик юбилейи шарафига цех коллективи йиллик планни муддатидан уч кун илгари бажариш ва пландан ташқари минглаб костюм ишлаб чиқаришга қарор қилди.

ҚАҲРАМОН ШАҲАР БИНОКОРЛАРИ

Волгоградлик қўли гул бинокорлар тошкентликлар учун кўплаб турар-жой ва маданий-маиший бинолар қуриб беришга аҳд қилганлар. Улар қуриб битказган юзквартирали, ҳамма қулайликларга эга бўлган уйларда яқинда тошкентликлар уй тўйлари ўтказишди.

Шу кунларда Владимир Филимонкин бошлиқ комплекс бригада аъзоларининг қўли-қўлига тегмайди. Улар яна битта қирқ квартирали бино қурилишини тугаллаш, бу уйларнинг калитларини ҳамшаҳр кўкўш шўшешебб ҳамшаҳарларимизга топшириш йўлида жонбозлик кўрсатиб ишлашяпти.

Волгоградлик қурувчилар юбилей йилида кўплаб объектларни фойдаланишга топширишга аҳд қилишган. Улар Чилонзорда мактаб биноси қуриб, уни мактаб ўқувчиларига туҳфа этишга бел боғлаганлар. Юбилей йилида қуриладиган боғча биноси эса 300 га яқин эркатойни ўз бағрига олади. Уларнинг фидокорона меҳнати билан йил охиригача қуриладиган 4 та турар-жой биносида ҳовли тўйлари бўлади.

Қаҳрамон шаҳар қурувчилари ўз сўзларининг устидан чиқиш учун қурилишда зўр суръат билан меҳнат қилмоқдалар.

МУНОСИБ НОМЗОД

Лидиялар оиласи 1938 йилда Фрунзедан Тошкентга кўчиб келди. У Тошкентда ўсди, улғайди. Отаси Андрей Александрович Целих Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлди. Онаси Анна Васильевна эса ҳалигача санитария эпидемия-станциясида санитарка бўлиб ишлаяпти.

Лидия 1957 йилда ўрта мактабни битириб, «Қизил тонг» тикувчилик фабрикасига ишга кирган эди. Шундан буён тикувчилик қиляпти. Бу давр ичида Лидия ўзининг ҳақиқий меҳнатсеварлигини, актив жамоатчилигини кўрсатди. Мана энди у Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

Кеча Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги мажлислар залида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод Лидия Андреевна Орлова ўз сайловчилари билан учрашди. Ишончли шахслар: цех бошлиғи М. Федосеева ва «Қизил тонг» тикувчилик фирмасининг директори С. Султонова ўртоқлар Л. А. Орлованинг меҳнат фаолияти тўғрисида сўзладилар ва унинг республика Олий Совети депутатлигига муносиб номзод эканлигини айтдилар.

Учрашув охирида Л. А. Орлова зўр ишонч билдирганликлари учун сайловчиларга ташаккур изҳор қилди ва бу ишончни оқлаш учун бутун куч ҳамда қобилиятини аямасликка ваъда берди.

ФАН ТАРИХИ ТЎҒРИСИДА 300 ҲУЖЖАТ

«Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида фаннинг ташкил қилиниши» тўпламига фан тарихи юзасидан 300 ҳужжат киритилади.

Матбуотда эълон қилинмаган ва кам маълум бўлган материаллар орасида СССР Фанлар Академиясининг Президенти А. П. Карпинский ва кўп йиллар давомида академиянинг секретари бўлиб ишлаган академик С. Ф. Ольденбургнинг маориф халқ комиссари А. В. Луначарский ва бошқа давлат арбоблари билан ёзишмалари бор. Бу ҳужжатлар академиянинг мамлакат халқ хўжалиги эҳтиёжларини кўзлаб иш кўрганлигини, Россиядаги табиий ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганишдаги унинг иштирокини акс эттиради.

«Наука» нашриёти бу китобни Ленинградда Совет ҳокимиятининг 50 йиллигигача чиқаришни мўлжалламоқда.

(ТАСС мухбири).

Самарқанд ва Бухорога

Меҳнат Қизил Байроқ орденли ўзбек давлат филармониясининг санъаткорлари Самарқанд ва Бухоро областларига гастролга жўнаб кетдилар.

Санъаткорлар орасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист П. Раҳимов, Ж. Бекжонов, И. Катаев ва бошқа раққоса ва лапарчилар бор.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» саҳифаларида

Совет Армияси ва Ҳарбий-денгиз флоти кунини муносабати билан СССР Мудофаа министри, Совет Иттифоқи маршали ўртоқ Р. Малиновский солдат ва матрос, сержант ва старшина, офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар ҳамда армия ва флотнинг запасдаги ва истеъфодаги ветеранларини табриклади. Министр Совет Армияси ва Ҳарбий-денгиз флотининг 49 йиллигини нишонлаш юзасидан бугун 23 февралда маҳаллий вақт билан соат 20 да ватанимиз пойтахти ҳамда иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида шунингдек қаҳрамон шаҳарларда, қаҳрамон қалъа — Брестда тўплардан бир йўла 20 марта ўқ узиб салют берилиши ҳақида буйруқ чиқарди.

СССР Олий Совети Президиумининг фармонига мувофиқ СССР оғир индустрия корхоналари қурилиши министрлиги (Минтяжстрой СССР), СССР саноат қурилиш министрлиги (Минпром СССР), СССР қурилиш министрлиги («Минстрой СССР), СССР қишлоқ қурилиши министрлиги (Минсельстрой СССР) каби СССР Иттифоқ-республика қурилиш министрликлари тузилди.

«Шахтёр»нинг ғалабаси

Кеча «Политотдел» колхози футболчилари ўз майдонларида Донецк шаҳрининг «Шахтёр» клуби футболчиларини қабул қилдилар. Бу учрашувгача колхоз футболчилари бир очкога эга бўлган бўлсалар, кончи футболчилар эса, турнир жадвалида бирон бир очкосиз бораётган эдилар.

«Шахтёр» футболчилари моҳир ҳужумчи В. Лобановскийсиз ўйнаган бўлсалар ҳам, чиройли ва комбинацион ўйин кўрсатдилар. Ҳамжиҳатлик билан ўйнаган «Шахтёр» чарм тўп усталари бу учрашувда 2:1 ҳисобида ғалаба қозондилар.

САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ КУНДАЛИГИ

Суратда: Чкалов номли авиация заводининг директори — Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод Поспелов (ўнгдан иккинчи) Киров районидаги 10-ўрта мактаб биносида ўз сайловчилари билан.

М. НУРИДДИНОВ фотоси.

НОМЗОД БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод—Тошкентдаги В. П. Чкалов номли авиация заводининг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Константин Сергеевич Поспелов билан бўлган учрашув ғоят ҳаяжонли ва мароқли бўлди.

Оталиқдаги мактабнинг кенг зали сайловчилар билан гавжум. Бу ерга партия, жамоат ташкилотларининг вакиллари, депутатнинг, ишончли шахслари, ҳамкасблар йиғилишган.

Депутатнинг ишончли вакиллари — корхона техника контроли бўлимининг бошлиғи А. Аксёнович ва йўнувчи Ш. Усмонхўжаев шу ўтган даврда ўртоқ Поспелов бажарган ишларни бирма-бир санаб ўтишди. Ватанимиз саноатининг ветеранларидан бири, моҳир инженер ўртоқ Поспелов корхонада катта обрў орттирган. Бутун коллектив уни ўзининг энг яқин кишиси деб билиб, қувонч ва ташвишлари, орзу-истакларини у билан баҳам кўрадилар.

Сўзга чиққан В. И. Ветчинкин, П. Ф. Грибов, М. В. Гершевич ўртоқлар депутатнинг ғамхўрлиги ва бевосита кўмаги билан корхона ишчиларининг турар жойлари анча яхшиланганлиги, ишлаб чиқариш сезиларли даражада юксалганлиги, оталиқдаги мактабда ўқув-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилганлиги тўғрисида гапириб беришди.

Сўзга чиққанларнинг ҳаммаси шу йил 12 март куни барча сайловчиларни халқимизнинг содиқ фарзанди коммунист К. С. Поспелов учун овоз беришга даъват этди.

Ўртоқ Поспелев ўзига кўрсатилган юксак ишонч учун сайловчиларга самимий ташаккур билдирди. У ўзининг бутун куч ва қувватини бутун республика, жонажон Тошкент шаҳримиз, қадрдон завод учун ҳаётий муҳим бўлган масалаларни ҳал этишга сарфлашга ваъда берди.

СУРИЯ ЯНГИ ЙЎЛДАН БОРМОҚДА

Халқаро воқеалар

Сурия Араб Республикаси босиб ўтган 21 йиллик мустақиллик йўлини бир маромда осойишта ўтди, деб айтиш қийин албатта. Бу йўлни бир сўз билан мураккаб йўл деб аташ мумкин. Мамлакат шу давр ичида кўпгина қийинчиликларни бошдан кечирди. Буржуа-помешчик ҳукумати даври ҳарбий диктатура, мустамлакачилар ва уларнинг агентлиги тайёрлаган ирғоварликлар, чет эл босқинчиларининг хуружлари, прогрессив ва реакцион кучларнинг тўқнашувлари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Оқибат-натижада мамлакатда кенг халқ оммасининг прогрессив табақаларига таянувчи янги кучлар юзага келди ва туб ўзгаришлар программасини олга сурди.

Лекин, 1966 йил 23 февраль Сурия халқи ҳаётида ажойиб тантанали айём бўлди. Шу куни тонготарда армия муҳим вазифани бажарди. Салоҳ Битар бошчилигидаги ҳукумат ағдариб ташланди. Бу ҳукумат халқ иродасига жавоб бермаганлиги, меҳнаткашлардан қўрққанлиги сабабли ҳокимият тепасида узоқ тура олмади.

23 февралдан кейин Нуриддин Отаси республиканинг янги президенти қилиб сайланди. Ҳукуматга Юсуф Зейн бошчилик қилди.

Сурияннинг янги ҳукумати олдида кўпгина проблемалар турарди. Ўтган йил давомида амалга оширилган тадбирлар Сурия ҳукумати халқ манфаатларига тўла жавоб бераётганлигини кўрсатиб турибди. Экономикадаги давлат сектори мустаҳкамланмоқда, майда савдогарларга, ҳунармандларга ёрдам кўрсатилмоқда ер ислоҳоти ўтказилаётир. Мамлакатдаги кўпгина йирик ва ўрта ҳол корхоналар қисман ёки тўла национализация қилинган. У ерларда якка бошқариш комитетлари тузилган. Бу комитетлар ишчилар ва хизматчилар томонидан сайлаб қўйилади.

Сурия социалистик лагердаги мамлакатлар билан алоқаларини мустаҳкамламоқда ва буни мамлакат прогрессининг омили деб билмоқда. Совет Иттифоқи Сурияда, жумладан, Қамишли — Алеппо — Латакия темир йўлини қуриб бераётир. Совет инженерлари ва ишчилари сурияликларга саноат корхоналарини жиҳозлашда ёрдам кўрсатмоқдалар. Бизнинг мамлакат билан Сурия ўртасида савдо алоқалари муваффақиятли ривожланаётир. Бунда Сурия ҳамда СССРнинг манфаатлари кўзда тутилмоқда, албатта. Маданий ҳамкорлик ҳам ривожланиб бораётир.

Совет Иттифоқи Сурияга Евфрат дарёсида йирик тўғон қуришда катта ёрдам қилмоқда. Сурияликлар бунинг натижасида кўплаб янги ерларни ўзлаштириш ва электр қуввати ишлаб чиқаришни кескин кўпайтиришни мўлжалламоқдалар.

Ўтган йил давомида Сурия-нинг халқаро обрўси анча ошди. Республика БАР, Жазоир, Яман, Ироқ каби араб мамлакатлари билан муносабатларини яхшиламоқда.

Сурия ҳукуматининг мамлакатда туб ўзгаришлар ўтказишга қаратилган тадбирлари, ташқи сиёсати империалистлар ва Яқин Шарқдаги айрим давлатларни ғазаблантирмоқда. Сурияга қарши қуролли ирғоварликлар уюштирилмоқда. Айниқса Исроил томонидан шундай ирғоварликларга йўл қўйилмоқда. Республикага қарши тўқнашувлар қилинаётир.

Лекин Сурия халқи ҳамма вақт ҳушёр турибди. У империалистлар ва уларнинг малайларининг мамлакатни янги йўлга қайтариш борасидаги уринишларига қаршиликни зарб бермоқда. Мамлакат ривожланишнинг янги йўлидан дадил бормоқда.

В. ПЎЛАТОВ.

БУГУН — СОВЕТ АРМИЯСИ ВА ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИ КУНИ

ШОНЛИ АРМИЯМИЗНИНГ ЖАНГОВАР ТАРИХИДАН

СУРАТДА: Қизил армиянинг полкларидан бири интервентларга қарши курашга отланиш олдидан.



X армиянинг 2-Сибирь бронепоезди фронтга отланмоқда. Царицин, 1918 йил.

КУРСКДАН — БУДАПЕШТГАЧА

ДАҲШАТЛИ 1941 йил. Ўрта Осиё индустриал институт иқтисодий-иқтисод кафедра доценти Ғулом Ризаев кандидатлик диссертациясини ёзаётганида қутирган гитлерчилар қутлуғ тупроғимизга ҳиёнаткорона бостириб кирди.

Уруш бошланган куни эртасига институтда митинг бўлиб ўтди. Митингда Ризаев сўзга чиқди, кўнгилли равишда фронтга кетажагини айтди. Бироқ уни бу сафар қолдиришди.

У такрор ариза берди. «Менинг ўрним ватанимиз тақдири ҳал бўлаётган жойда»,— деб ёзди у 1942 йил февралида Тошкент шаҳар Октябрь район ҳарбий комиссариги...

Пиёда ҳарбий мактаб курсанти — Ғулом Ризаев жанговар ва сиёсий тайёргарликнинг аълочиси бўлиб қолди.

Ҳарбий ишни яхши ўзлаштириб олган Ризаев фронтга интиларди. Шу мақсадни айтиш учун у рота командирининг олдига кирди. Шунда рота командири Ризаевнинг таржиман ҳоли билан қизиқиб қолди.

— Отам Али-Ризо 1916 йилгача бойлар қўлида чорикор, 1920 йилгача эса Кармана темир йўл станциясида ишлаган,— қисқагина гапириб берди у.— Бухоро амирини қулатишда қатнашган. Кейин ўша 1920 йилда партия сафига қабул қилинган. Шу-шу милиция органларига кириб кетиб, умрининг охиригача хизмат қилган. Онам Зайнаб Ашурова эса чала савод бўлишга қарамай, районимизда дастлабки жамоатчи аёллардан бўлган. 1927 йилдан партия аъзоси. Ҳозир у Бухоро областида энг қурматли кексалардан бири.

Ниҳоят Ризаев фронтга йўл олди. 1943 йил март ойининг бошларида уларнинг эшелони Курск-Орел томонига келиб тушди. Ризаевнинг олий маълумотли эканлигини билиб қолган янги қисм бошлиқлари уни тўпчи полки ихтиёрига юборишди. Ризаев узоққа отувчи 33-тўпчи дивизионнинг 8-батареяси биринчи расчёт командири қилиб тайинланди.

Биринчи жанг. Ҳужум қилиб бораётган қисмнинг икки томони Десна дарёсидан ўтиб кетди. Ўрта қисмининг олга силжишига дарёнинг нариги томонида тепаликка ўрнашиб олган душман пулемёти йўл бермас эди. Бу аҳволни пиёда қисмлар билан бирга бораётган батарея командири кўриб турар эди. У телефон орқали икки километр орқада турган 2-расчётга пулемётни ер билан яксон қилиш тўғрисида буйруқ берди. Лекин расчёт ўқини мўлжалга текиза олмади. Шунда комбат телефонда Ризаевни олдига чақирди. Дурбинда Ризаевга мўлжални кўрсатди. Тўп командири Ризаев координаталари ҳисоблаб олиб тўп ёнига югурди. Ризаев тўпидан отилган биринчи ўқ мўлжалдан бироз олдинга, иккинчиси бироз орқага, учинчиси эса худди ўзига тушди. Пиёдалар дарёдан бемалол ўтиб кетишди. Ризаев бу биринчи жасорати учун «Жанговор хизмати учун» медали билан мукофотланди.

Буг дарёсига келганда яна худди ана шундай аҳвол юз берди. Бу сафар пулемётчи дарёнинг у бетидаги бутхона минорасига ўрнашиб олган экан. Бу мўлжални дивизион командирининг ўзи урмоқчи бўлди. Тўп билан мўлжал оралиғи 5 километр келар эди. Комдив бутхонани роса мўлжалга олди-ю, лекин бир ўқ билан ура олмади. У Ризаевга мурожаат қилиб:

— Қани, Ризаев, ўзинг бопламасанг бўлмайди шекилли,— деди Ризаев бир снаряд билан бутхонанинг минорасини учириб юборди.

1944 йилнинг декабрь кунларида Ризаев артиллерия полкига юборилди. Ризаев бошқа қисмга кетаётганлиги учун уни полк командирининг ўзи кузатиб қўйди. Унинг қўлига қуйидагича характеристикани тақдим этди:

«Тўп командири ўртоқ Ризаев немис босқинчиларига карши кураш фронтида мардлик ва жасорат кўрсатди. Қахрамонона жанг қилди. У ўз қуролини жуда яхши эгаллаб олган. Ўз қўл остидаги солдатлар билан ишлашни яхши билади.

Полк командири майор Маторигин.

1944 йил 7 декабрь»

Шундай қилиб расчёт 76 миллиметрли тўпни яхши ўзлаштириб олди.

Артиллерия полки тўрт кун йўл юриб II-танк бригадасига етиб қўшилди ва Руминия, Венгрия, Чехословакияни озод қилишда қатнашди.

Гитлерчилар Будапештнинг ғарби-жанубида йирик танк қўшилмаларини тўплаб, совет қўшинларига қаршилик кўрсатиб қолди. Будапештга яқин жойдаги Веспрем шаҳрини олишда Ризаев расчётига тўпни қишлоқ ёнидаги тепалик бағрига ўрнатиш тўғрисида буйруқ бўлди. Бироқ тепаликка етмасдан душман тўпининг хужумига учради. Бир снаряд — тўпни, иккинчи снаряд — ўқ-дори ортилган машинани ишдан чиқарди, наводкачи Лихоновский ҳалок бўлди, қулфчи Мартинюк ва ўқловчи Куриний яралар бўлдилар. Ризаев мажақланган машинанинг кабинасидан тушиб, комбат олдига эмаклаб борди. Бу аҳволни кузатиб турган комбат унга дарҳол 2-расчётни қабул қилишни буюрди.

Шу пайт икки километрча нарида ўрмон ичидан душман танклари ўрмалаб чиқабошлади. Ўзи наводчи ва отувчилик қилаётган Ризаев ўз позицияси қаршисида ўнбештача танк келаётганини санади. Ризаев танклари яқинроқ келишини кутиб турди. Ана, душманнинг танклари даҳшат билан тобора яқинлашиб келмоқда. 1000 метр.... 500 метр.... ниҳоят 300 метр. Ана энди. Ризаев тўпи ишга тушди. Тўғри наводкадан отиб, биринчи ўқ биланоқ олдинда келаётган танкни ёндириб юборди. Иккинчи танкка ўқ тегиши билан жойида пилдираб қолди. Учинчи танкни ҳам уриб, ишдан чиқарди. Шу ерда Ризаевнинг ўзи душманнинг бешта танкини ишдан чиқарди. Бошқа танклар орқасига бурилиб қочиб қолди. Ризаев эса отишда давом этарди. Шу пайт биров унинг елкасига қўлини қўйди. Қайрилиб қараса, қандайдир генерал қаршисида турибди.

— Баракалла, ўртоқ старший сержант, — деди у кулимсираб, — энди отишни тўхтатсангиз ҳам бўлади. Бизникилар ҳужумга ўтди.

Бу генерал дивизия командири эди. Ризаевнинг бу жасорати 1-даражали Ватан уриши ордени билан тақдирланди.

Гитлерчилар тор-мор қилинди. Уруш охиригача Ризаев командирлик қилган тўпнинг қалқонига 25 юлдузнинг расми туширилди. Яъни тўп расчети шу тўп билан душманнинг 25 та танкини мажақлаб ташлаган эди.

Урушдан қайтиш билан Ғулом Ризаевич яна ўзининг севган илмий-педагогик ишини давом эттирди. 1947 йилда у «Ўзбекистон коммунистлари ер-сув ислоҳатини ўтказиш учун курашда» деган мавзуда кандидатлик диссертациясини ёқлади 1961 йилда «Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигининг ривожланиши (1917—1960)» мавзусида диссертация ёқлаб,иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олди. Совет ҳокимиятининг 50 йиллигига совға қилиб, Ғулом Ризаевич «Ўзбекистонда аграр сиёсатнинг галабаси» деган китобни ёзиб, нашриётга топширди.

Ана шундай катта илмий ишлар билан бирга Ғулом Ризаевич институт, район ва республика ижтимоий ҳаётида ҳам фаол қатнашади. 1963 йилдан буён у Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти иқтисод кафедрасининг профессори.

М. РАҲИМОВ.

1941 ЙИЛ

23 НОЯБРЬ.— Бутуниттифоқ комсомол якшанбалигида тўла бўлмаган маълумотларга кўра 163.809 киши иштирок этди. Шу куни республика ёшлари Ўзбекистон комсомоли номли танк бўлинмаси фондига 875.459 сўм қўшдилар.

НОЯБРЬ.— Фанлар академияси Ўзбекистон филиалининг геология экспедицияси Тошкент областининг тоғли районларида қалайи конини топди. Бу экспедицияга старший илмий ходим И. М. Ефрименко раҳбарлик қилди.

1 ДЕКАБРЬ.— Ўзбекистон меҳнаткашлари шу кунга келиб мамлакат мудофаа фондига 38.439.000 сўм пул қўшдилар, 49.746.000 сўмлик давлат заёмларининг облигацияларини сотиб олдилар.

3 ДЕКАБРЬ.— Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети эвакуация қилинган ишчилар, хизматчилар ва колхозчиларни ишга жойлаштиришда ёрдам кўрсатиш ҳақида қарор қабул қилди.

12 ДЕКАБРЬ.— М. Горький номли рус драма театрида ёзувчи А. Н. Толстойнинг адабий кечаси бўлиб ўтди. Кечада ёзувчи ўзининг «Булутли тонг» номли янги романидан парча ўқиб берди.

21 ДЕКАБРЬ.— Ўзбекистон ҳаракатдаги армия жангчиларига янги йил совғаси қилиб махсус бир эшелон жўнатди. Республика меҳнаткашлари Ватанимизнинг қаҳрамон мудофаачиларига 29 вагон қуруқ мева, қовун қоқи ва олма, 10 вагон вино, 3 вагон ёнғоқ, 1 вагон помидор қоқиси, 4 вагон қиём ва повидло, 1 вагон шарбат, 3 вагон махорка, 1 вагон совун жўнатдилар. Бу эшелонни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Йўлдош Охунбобоев бошчилигидаги делегация кузатиб борди.

ДЕКАБРЬ.— Бухоро областида Косон сув омбори қурилиши бошланди.

ДЕКАБРЬ.— Тошкентда битум заводи қурилиши тугалланди. Шу пайтгача кўча ва уйларни асфальтлаш учун Тошкентга бутун Бокудан ташиб келтирилар эди.

ДЕКАБРЬ.— Ростовдан эвакуация қилинган «Ростсельмаш» заводи базасида «Тоштекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги заводи ташкил этилди.

* * *

Республиканинг колхоз ва совхозлари ватанга бир миллион 657,2 минг тонна пахта ҳосили топширдилар.

* * *

Республикадаги фабрика-завод таълими мактаблари шу йили саноат учун хилма-хил касбдаги 6.690 ишчи тарбиялаб етиштирди.

НУР «БУЛОҚЛАРИ»

Ботаника боғига яқин жойда экскаваторлар «ҳайқириб» ишлай бошлади. «Средазэлектросетьстрой» трестининг қурилиш-монтаж бошқармаси мутахассислари 110 минг вольтли кичик электр станция учун пойдевор тайёрлашга киришдилар. Бундай станциялардан бир округ офицерлар уйи атрофида ҳам қайта ремонт қилиниб, такомиллаширилади. Бу станциялар Тошкент ГРЭСидан қувват олади.

Кичик станциялар пойтахтимизда қад кўтараётган осмон ўпар биноларни электр қуввати билан таъминлайди. Баланд уйлардаги ҳавони тозалайдиган кондиционерларни, лифтларни, санитария қувурларини ҳаракатга келтириш, радио ва телевизорларни бир меъёрда ишлаши учун хизмат қилади. 9.19 қаватли биноларни электр қуввати билан таъминлаш анча енгиллашади.

Энергетиклар бу станцияни замонамизнинг янги техникаси асосида қурадилар. Станция бунёд қилинганда, у автомат суратда иккинчи станцияга уланади. Бу эса биноларни узлуксиз равишда электр қуввати билан таъминлаш имконини яратади.

ОБРЎ

Ҳар куни эрта тонгда троллейбус ҳайдовчилар пассажирлар хизматига йўлланма олиб бўлгач, бош нарядчи Ваҳоб Рўзибоев ҳузурига кирадилар.

— Бугун менга икки норма беринг.

— Менга ҳам икки норма.

— Бошқаларга ҳам қолсин-да, яна менга газета етмади, деб йўловчилар хизматга чиқмай ўтиришмасин, — дейди Ваҳоб ака ҳазиллашиб.

Ваҳоб ака уйқусини бузиб троллейбус ҳайдовчиларга йўловчилар учун сотиладиган кундалик газеталарни тарқатади. У троллейбус депосининг бош нарядчиси. Шунинг учун ҳар бир троллейбус қайси маршрутда юриши кераклигини ҳам Ваҳоб ака аниқлайди.

В. Рўзибоев 2-троллейбус депосига ишга келганига 18 йил бўлди. Уни контролёрлар бошлиги қилиб тайинлашганда, бу шарафли вазифани хатол бажарди. Йўловчиларга бўлган хушфеъллиги тез кунда шуҳрат келтирабошлади унга. Ваҳоб ака ўз ишига жон куйдирадиган яхши дўст ҳамда маслаҳатчи. У троллейбус ҳайдовчиларни доимо одоб ва ахлоқли, йўловчиларга ширин сўз бўлишга ундайди.

Намунали хизматларини назарда тутган иккинчи троллейбус депоси В. Рўзибоевни бир неча бор Фахрий ёрлиқ ва ташаккурномалар билан тақдирлади.

Ф. Абдураҳимов.

Виктор ВИТКОВИЧ

ТОШКЕНТ МАКТУБЛАРИ

Мен Тошкентни севаман, унинг мафтуниман. Унинг офтобда қуритилгандек оқиш-кўкиш осмонини ҳам. Шаҳарнинг шовқин-суронию, яп-яп ариқларининг шивирлашини ҳам. Турли тилларда гапиришганларини ҳам. Хиёбонларию, текис асфальт йўлларини ҳам. Том ва пахта деворлар устида оловдай ёниб турадиган лолақизғалдоқларини ҳам... Тошкентни таъриф-тафсифлайверсам ҳикоямнинг адоғига етиб бўлмайди.

Шу сабабли бўлса керак, Москвада жуда кўп кишилар мендан: «Зилзила бўлиб турган жойнинг ўзида яна янги Тошкентни қуриш керакми?» деб сўраганларида мен ўйламай-нетмай: «Ҳа, қуриш керак!» деб жавоб бергандирман...

Янги Тошкент ўзининг лойиҳаси жиҳатидан жаҳондаги бирорта шаҳарга ҳам ўхшамайдиган бўлади. Зилзила шаҳарнинг ўртасини вайрон қилиб, марказни тешик кулчанинг ўртасидек текислаб қўйди. Янги уй-жойлар, биноларни шаҳар атрофидаги — Чилонзор, Қорақамиш, Ризовая, Високовольтний массивларда, Сергели шаҳарчасида қурилмоқда.

Қурувчилар бу массивларни бир-бири билан боғлаш учун (Тошкентнинг диаметри қариб эллик километр) Тошкентнинг айланасига янги магистраль халқа йўл қурмоқдалар. Хўш, шаҳарнинг маркази нима бўлади?

Қизиқ, шаҳарнинг маркази қандай бўлишини мен бундан бирнеча йиллар аввал эшитган эдим. Усмон Юсуповдан. У пайтларда Усмон Юсупов Ўзбекистон республикаси Министрлар Советининг раиси эди. У орзу қиларди.

— Тошкентнинг марказини мен боғ-роғларга айлантирган бўлардим. Пастқам уй, пахса деворларнинг ҳаммасини бузиш керак. Бўладида, умри тугади уларни. Шаҳар марказида шундай улкан боғ яратиш керакки, у ерда олма, ёнғоқ, шафтоли, олхўри, ўрик дарахтлари гуллаб ғурсин... Бу улкан боғнинг узунасига ва кўндаланига каналлар, ариқлар қазиш керак. Уларда қайиқлар сузиб юрсин. Энг муҳими, Тошкентнинг ҳавоси юмшоқ, тоза бўлади, шаҳар асрий ғубор, чанглардан тозаланади.

Усмон ака бу мўлжалини рўёбга чиқараолмади. Йиллар ўтди. Тўсатдан бўлган зилзила тошкентликларни Усмон аканинг лойиҳасига яна мурожаат этишга мажбур этди. Шу арафада Усмон ака оламдан ўтди. У ҳам зилзиланинг қурбони бўлди. 27 апрелда (Тошкент замини биринчи марта кучли силкинган кунинг эртаси куниёқ (Юсупов бу фалокатдан қаттиқ ташвишланди. Юрак қон томирлари тромба бўлди. Орадан бирнеча кун ўтгач у кўзини абадий юмди. Ўлимдан кейин Катта Фарғона каналининг ҳақиқий меъмори Усмон ака эканлигини тан олишиб, канални Юсупов номига қўйишди.

Ҳозир меъморлар Тошкентнинг марказида улкан боғ барпо этишни лойиҳалаштиришмоқда. Стадион ҳам юз минг киши сиғадиган бўлади. Спорт саройи қад кўтаради. Очиқ ва ёпиқ ҳовузлар қурилади, шаҳарнинг ҳавосини мўътадил, юмшоқ қилиш учун осма тарновлар, сув хавзалари бунёд этилади. Бу улкан истироҳат боғида оромбахш хиёбонлар бўлади. Шу хиёбонларнинг чеккаларида ўн балли зилзилаларга ҳам миқ этмай турадиган кўп қаватли маъмурий бинолар қурилади. Бу бинолар ҳарқандай зилзилага ҳам бардош бера олади.

Бу орзу, бу мўлжалларнинг ҳаммаси ҳозироқ инженерларнинг лойиҳаларида ўз аксини топди, ҳисоб-китоб қилиб кўрилди. Демак, шундай шаҳар бўлади. Албатта бўлади.

Русчадан С. НУРОВ таржимаси.

(Охири.) Боши газетанинг 20—28 январь, 1—22 февраль сонларида).

Қардош грузиялик бинокорлар Чилонзордаги дўстлик микрорайонида 22 ярим минг квадрат метр ҳажмидаги грузин кварталини бунёд этаётирлар.

Улар ҳар бири 60 квартирали 8 уй ва янги савдо марказини қураётирлар. Икки уй яқинда фойдаланишга топширилади.

Суратда: бир группа грузиялик бинокорлар (чапдан ўнгга) монтажчи Е. Садриев, прораб И. Майсурадзе, электр пайвандчи А. Халаджян ва монтажчилар бригадасининг бошлиғи Н. Лазебний ўртоқлар.

Шарифа Тиллашайхова Тошкент Давлат университети химия факультетининг ёш мутахассисларидан. У шу кунларда «Кобальт хлориднинг баъзи бир гетероциклик асослар билан ҳосил қилган комплекс бирикмаларини спектрофотометрик усулда ўрганиш» деган темада кандидатлик диссертацияси устида иш олиб боряпти.

Суратда: Ш. Тиллашайхова лабораторияда.

Ф. Лутфуллаев ва А. Тўлаганов фотоси.

ТАРМОҚ ГРАФИГИДА

Високово льтний массивида икки бино қад кўтаряпти.

Улар бу атрофдагиларга ҳеч ўхшамайди. Ташқи кўринишиғ гўзал, ҳоналари кенг. Бинокорлар ҳам ойлик ёки ўн кунлик график ўрнига биринчи кунларданоқ тармоқ графигини қўллаётирлар.

Тармоқ графигида аввало қурилиш суръати ўсади, яъни заводдан етиб келган блоклар ва ғиштлар ерга туширилмай тўғри бино устига туширилаверди. Бинокорлар блокларни пешма-пеш монтаж қилиб, ғиштини тераверади. Иккинчи томондан эса исрофгарчиликка чек қўйилади. Илгаригидек бинокорлик материаллари очиқ ҳавода, қор-ёмғир остида қолиб кетмайди.

Москвадан келган «Академстрой» бошқармаси бинокорлари ана шундай усулда меҳнат қилиб қисқа муддат ичида икки бино қаддини ростлаб қўйдилар. Уларнинг бири 40 квартирали, иккинчиси эса 50 квартиралидир. Дўстларимиз ҳар иккала иморатни ҳам 9 балли зилзилага бардошли қилиб қуришяпти.

— Дастлаб анча қийин бўлди, — дейди бригада бошлиғи Федор Анёшин. — Массивда биз юқори балли системада уй қуришга ўрганмаган эдик-да. Тошкентлик ҳамкасбларимиз ёрдами билан янги системада ишлашга тезда кўникиб қолдик. Мана ҳозир ҳар иккала бинонинг ҳам биринчи қавати кўтарилянти. 40 квартирали иморатнинг томи февраль ойи охиригача ёпилади. 50 квартирали бино эса март ойида пардозловчиларга топширилади. Шундай қилиб, биз 1 Май байрамигача 90 квартирани тошкентлик дўстларимизга ҳадя қиламиз.

Ҳозир қурилиш майдонида иш қизғин. Юрий Зайцев, Александр Фомич, Василий Теряев каби ғишт терувчилар топшириғини икки баравар етказиб бажармоқдалар. Василий Коновалов, Георгий Автоқомов каби дурадгорлар эса пастки қаватларнинг томини қоқиш, эшик-деразаларини ўрнатиш билан банд. Эрта-индин пардозловчилар ҳам ишга киришади.

ГИЛМОЯ ТЎҒРИСИДА ИЛМИЙ АСАР

Кейинги йилларда Ўзбекистонда гилмоянинг 300 га яқин тармоқларида ишлатиш мумкинлиги маълум бўлди.

Яқинда Ўзбекистон «Фан» нашриёти босмадан чиқарган геология ва минерология фанлари кандидати М. Зокировнинг монографияси шу муҳим ҳоҳ ашё — гилмояга бағишлангандир. Бу китоб Тошкент атрофи районларидаги гилмоя тўғрисида тўла-тўкис маълумот беради.

Гилмоя биринчи топилган жойи АҚШнинг Вайомин штатидаги Бентон деган жой номи билан «бентонит» деб аталади. Ўзбекистонда у гилмоя, гилбўта, тоғ ёғи, тош-совун номи билан машҳурдир. Гилмоя ташқи кўринишидан оддий кир совунга ўхшаш юмшоқ «мойли» бўлиб, қуёш таъсирида тез қуриб тошга айланади. Гилмоянинг ажойиб физик ва кимёвий хоссалари уни саноатнинг турли соҳасида ишлатилишига кенг йўл очиб беради.

Гилмоя саноатда вино, ўсимлик ёғлари ва нефть маҳсулотларини тозалашда ишлатилади. Ҳозирги пайтда гилмоядан турли деталларнинг қолипларини тайёрлашда, резина ва қоғоз саноатида ишлатилмоқда. Медицинада турли дориларни тайёрлашда ҳам гилмоянинг роли каттадир.

Монографияда гилмоя ҳақида ҳар томонлама маълумот келтирилган. Гилмоянинг қандай қилиб ва қандай процесслар натижасида ҳосил бўлганлиги илмий далиллар асосида таъриф-лаб берилган.

Китобда гилмоя соҳасидаги илмий натижалар умумлаштирилган бўлиб, у геологлар, химиклар ва технологларга мўлжалланган.

М. ҚОДИРОВ,
илмий ходим.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 2 бет
23 ФЕВРАЛЬ 1967 Й

ЎЛМАС СИЙМОЛАРИМИЗ

НАБИ ҒАНИЕВ

ҲАМ ТАЛАНТЛИ, ҲАМ МЕҲНАТКАШ

Наби Ғаниев ижоди бундан кейин ҳам узоқ вақтлар ўрганилишини биламан. Бу санъаткор ҳақида яна қанчадан-қанча монографиялар ёзилади. Мен эса ўзимизнинг Наби ака ҳақида, дўстимиз ва ўқитувчимиз ҳақида, дилкаш ва меҳрибон киши ҳақида икки оғизгина гапирмоқчиман.

Кинорежиссёр ҳар хил одамлар билан тўқнашади. У ўзининг ҳар бир янги фильмини яратар экан, кўплаб актёрлар, драматурглар, операторлар, рассомлар, композиторлар билан бирга ишлайди. Фильмни муваффақиятли суратга олишда постановкачининг ташкилотчилик маҳорати, группанинг барча аъзолари билан, актёрдан тортиб, чироқ ёқиб турадиганларгача ҳамма хизматчилар билан ишлай билишига боғлиқ.

Серғайрат, доим меҳнатга тайёр Наби ака энг оғир дақиқаларда суратга олувчи группани ўз ишига ишонч билан қарашга ўргатар, ҳар доим яхши ишларни бошлаб юрарди. Шунинг учун ҳам унинг группаси ҳеч қачон қийналиб қолмас эди. Баъзан суратга олгани чиққан киночилар бирон бир колхозда қор ёки ёмғир остида қолсалар, режиссёр ўша ондаёқ енг шимариб, пахта ёки кўрак теришга тушиб кетар, колхоз ҳаётига дарров кўника қолар эди. Лекин фильмни суратга олиш кечиқмасди.

Эсимда, 1945 йилнинг кеч кузида Шоҳимардонда «Насриддиннинг саргузаштлари» кинокомедиясининг бир эпизодини суратга олаётган эдик. Асосий воқеалар кўл фонида рўй бериши керак эди. Лекин бундай кўл топилмади. Ўз кучимиз билан унча катта бўлмаган кўл ясашга мажбур бўлдик. Наби ака прораб бўлди, актёрлар ер қазиша бошлашди, хуллас ҳамма ишга киришиб кетди. Лекин қазиган чуқуримизга сув тўлдирганимиздан кейин бирдан қор ёғиб қолди. Совқ тушди. Кўл юзини муз қоплади. Фильмда эса воқеалар айни ёз чилласида рўй бериш керак эди. Лекин Ғаниев фильмни суратга олишни тўхтатмади. Биз у билан ҳар куни эрта саҳарда туриб кўлни суратга олишга тайёрлар, музни тош билан уриб синдирардик.

Ўзбек киносининг дастлабки устунлари қўйилаётган пайтда санъаткор ана шундай оғир шароитларда ишлаган эди. Лекин у ўзига ҳам, атрофдагиларга ҳам талабчанликни пасайтирмади. Назаримда Наби Ғаниев фильмларининг муваффақиятли чиқишига сабаб бўлган нарса ҳам шу бўлса керак.

Ҳозирги кунда Ғаниевнинг шогирдлари, унинг ижодий ҳамкорлари «Ўзбекфильм» киностудиясининг улкан, янги техника билан қуролланган павильонларида ишламоқдалар. Улар ўзбек кино санъатининг асосчиси меҳнаткаш, меҳрибон, талантли санъаткор бўлганлиғини яхши биладилар.

Михаил КРАСНЯНСКИЙ,
Кинооператор, УзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби.

НАВҚИРОН САНЪАТ НАМОЁНДАСИ

Санъатимиз фахри Наби Ғаниев 1904-1952 йилнинг жўшқин ижоди кинематографиямиз тараққиёти йўлида катта босқич бўлди. Унинг ижоди навқирон санъат, кинематографиямиз билан баробар ўсди, улғайди, камолотга етди. Ёшлигидан санъатнинг барча турларига ихлос қўйган Ғаниев айниқса, кинематографиянинг чексиз имкониятларини кўра билди ва унинг сирларини тинмай ўрганди. Синтетик санъатнинг турли воситаларини синчиклаб ўрганиш чорак аср давом этди. Ана шу даврда Ғаниев фақат Иттифоқимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам зўр олқиш билан кутиб олинган кино асарлар яратди.

Наби Ғаниевнинг номи киностудиямизнинг илк фильмлари титрларида пайдо бўлди. Ўз ижодини актёр сифатида бошлаган қалдирғоч санъаткор тезда консультант, режиссёр ассистенти, кейинроқ эса сценарийчи ва ўткир режиссёр бўлиб етишди.

Ғаниев ўзининг дастлабки мустақил фильмидаёқ («Юксалиш» 1931 й.) замонавий темаларга мурожаат қилди. Пахта тозалаш фабрикаси ёш ишчиларининг меҳнати ҳақида ҳикоя қилувчи бу фильмнинг яратилиши даврида режиссёр ишчиллик билан янги, маъноли кинематографик воситалар излади, санъатимиз истиқболи ҳақида қайғурди, миллий кадрларнинг профессионал маҳоратини ошириш учун тинмай меҳнат қилди. Кинематографчи кадрлари, хусусан, киноактёрларни етиштириб чиқариш бу даврда жуда қийин масала эди. Чунки дин мутаассиблари кино санъати ихлосмандларини таъқиб остига олардилар. Матонатли режиссёр ана шундай қийинчиликларга қарамай, ўз олижаноб режаларини амалга оширишга киришганига яна бир сабаб шуки, у кинематографиянинг овозсиз даврида ижод қилар экан, моптаж услублари тасвирий воситаларни бевосита образ яратувчи санъаткор — актёрлар ижоди учун хизмат қилдиришга қаратди.

Ёш санъаткор яна бир муаммони ечишга киришди. Миллий профессионал кинодраматургларнинг йўқлиги туфайли ўша йиллар яратилган фильмларнинг кўпчилиги томошабинлар талабига жавоб берарли даражада эмас эди. Бу ҳолни англаган санъаткор фильмнинг драматик асоси — адабий сценарий масаласига жиддий аҳамият берди. Ниҳоят, 1932 йили унинг ўзи сценарий ёзишга киришди.

Темир исмли деҳқоннинг тақдири мисолида қишлоқ меҳнаткашлари босиб ўтган йўл ҳақида ихчамгина ҳикоя қилувчи бу фильм устида ишлаш даврида Ғаниев ҳар қачонгидек совет адабиёти ва санъати эришган ютуқлардан ижодий фойдаланишга интилди. «Рамазон» фильми қаҳрамонининг тақдири, ундаги конфликтлар кинорежиссёр В. Пудовкиннинг «Санкт-Петербургнинг емирилиши», С. Юткевичнинг «Олтин тоғлар» фильмларидаги коллизияларни эслатади. Бу асарлар марказида ҳам иккиланувчи, лекин пировардида ўз хатосини тушуниб, халқ бахт-саодати учун курашувчи киши образи яратилган. Лекин ўзбек санъаткори ана шу синаб кўрилган коллизияга янги мазмун бера олди. Шуниси муҳимки, режиссёр ҳар гал қандай мавзу устида ишламасин, уни кинематография воситалари ёрдамида ечиш учун олдиндан ҳар бир кадрни ўйлаб қўяр ва кадрлар композициясини тузувчи деталларни юксак дид билан танлар эди. Режиссёр халқимиз ўтмишига ёки ҳозирги кунига доир темада яратган фильмларида асар ғоясини ечишга ёрдам бермайдиган деталларни — мачит гумбазлари, эски турмушни характерловчи натуралистик чизиқлар ва бошқа воситалардан фойдаланмади, балки ҳар бир кадр ва эпизод мазмунини актёрлар санъати, тасвирий воситалар билан реалистик бўёқларда ривож эттирди.

Наби Ғаниевнинг ҳар бир фильми асосида ҳаётий драматик материал ётади. «Пигит» фильмини (1935 йил) эслайлик. Бу кинодрамада олдин бой хизматчиси, драматик воқеалардан сўнг Қизил Армиянинг жасур жангчисига айланувчи Ўзбек йигити Пўлат ҳаётини тасвирлаш орқали умумлашган, кўпқиррали образ вужудга келган.

Ўттизинчи йилларнинг биринчи ярмида кино санъати яна бир маъноли восита — овоз билан бойиди. Фильм палитраси овоз, товуш, музика, шовқин-сурон билан янада ранг-баранглашиши натижасида адабий сценарийнинг характери ўзгарди. Н. Ғаниев ижодида янги, энг маҳсулдор давр бошланди. Ана шу даврда режиссёр янги кашфиёт сирларини батафсил ўрганди ва улардан аввало актёрлар санъатида кенг фойдаланишга киришди.

Кинематографиянинг овозли даврида театр санъатининг реформатори К. С. Станиславский илмий равишда асослаган ва МХАТ саҳнасида тажрибадан ўтказган реалистик методни кино санъатида ҳам қўллашга янада кенг имкониятлар туғилди. Станиславский системасидан етук режиссёрлар азалдан баҳраманд бўлиб келар эдилар. Лекин кино овоз воситаси билан бойиганидан сўнг буюк рус режиссёри ва назариячиси Станиславскийнинг ижодий кўрсатмалари кинорежиссёрлар ва киноактёрлар учун ҳам муҳим аҳамият касб этди. Н. Ғаниев ҳам ана шу ижодий услубни ўз фильмларида қўллади. У актёрларни сценарий билан таништирар, уларга образлар моҳиятини тушунтирар экан, ижрочилардан ички ҳис-туйғуни, психологик холатларни ташқи, енгил-елпи ҳаракатлар билан эмас, балки мантиқан асосланган ички ҳаяжон, руҳий тўлқинлар орқали талқин этишни талаб қилди.

Ғаниевнинг биринчи овозли фильмлари Улуғ Ватан уруши йилларида вужудга келди. Ватанпарвар санъаткор урушнинг дастлабки кунларидаёқ ўз жанговар бурчини бажаришга киришиб, Комил Ерматов билан ҳамкорлиқда «Биз, енгамиз» фильм-плакатни, Е. Брюнчугин билан «Жасур дўстлар» киноновелласини яратди. Бу қисқа метражли фильмлар совет халқларининг букилмас иродаси, дўстлиги ва жасорати ҳақида ҳикоя қилади. Уруш қийинчиликларига қарамай ўзига ва ҳамкасбларига нисбатан талабчанлик билан турли мавзудаги фильмлар устида ишлаётган Ғаниевнинг иш услуби Москвадан Тошкентга вақтинча кўчиб келган кекса кинорежиссёр Яков Протазановга жуда маъқул тушди. Бу икки кино арбоби ўртасида ижодий ҳамкорлик бошланди. Протазанов ўзининг янги фильми — Насриддин Афанди саргузаштлари — устида ишлар экан ўзбек санъаткорини иккинчи режиссёр қилиб тайинлади. Москвадан келган, шарқ халқлари урф-одати, характери билан деярли таниш бўлмаган Протазанов Н. Ғаниевдек ўткир, билимдон санъаткорнинг ёрдамига ишонган эди, албатта. Ана шу ижодий ҳамкорлик самараси миллионларча томошабинларга маълум — «Насриддин Бухорода» фильми мамлакатимиз ва чет эл кино экранларида шу кунгача намойиш қилинмоқда.

Ана шу фильм устида ишлаш даврида Ғаниев фольклор материалларини чуқур ўрганди. Халқ оғзаки ижодиётига унинг ихлоси тобора ортди. Шундан кейин фольклор Ғаниев ижодининг асоси бўлиб қолди. У халқ оғзаки ижоди қаҳрамонлари образида олижаноблик, инсонийлик фазилатларини ҳис этди, беҳаё, номард кишиларга нафрати ортди. Режиссёр шоир Собир Абдулла билан ҳамкорликда халқ афсонасини экранлаштириш устида ишлар экан ижобий образлар пок қалбли Тоҳир ва Зуҳра, донишманд Сардор образларида ўз эркинлигини ҳимоя қилаётган совет халқи фазилатларини эслатувчи деталларга алоҳида эътибор қилди, уларни бўрттирди, салбий образлар — ёвуз ниятли Қоработир, золим Бобохон, хоин вазир образларидаги хислатларни «қуюқлаштирди» ва кинематография воситалари ёрдамида янада равшанроқ фош этди. Режиссёр фақат сценарий устидагина эмас, балки фильмнинг барча компонентлари устида кунт билан ишлади. Актёрлар ансамблини ўзбек саҳнаси усталари ва талантли ёшлардан тузди. Операторлар Д. Демущкий ва М. Краснянскийлар билан фильмнинг тасвирий воситалари устида, ўзбек халқ музикасининг билимдони, профессионал маҳорати камолотга етган бастакор А. Ф. Козловский билан фильм музикаси устида ишлади. Режиссёр бастакорни кора кучларни характерловчи ҳаяжонга тўла драматик садолар, пок севги тимсоли латофатли Зуҳранинг ички туйғуларига жўр бўладиган, вафодор, иродали Тоҳирнинг юрак изтиробларини талқин этишга кўмаклашадиган мелодиялар, лирик қўйлар ижод қилишга ундади.

Ғаниев ижодий биографиясида алоҳида ўрин эгаллаган бу фильм ғоясининг равонлиги, формасининг ихчамлиги билан ажралиб туради.

Ижодий камолотга етган санъаткор Ғаниев бир фильмни тугатибоқ янги мавзу, янги ғоянга берилар эди. У ўзининг навбатдаги фильмини яна халқ қаҳрамони Насриддин образига бағишлади. Фильмда Насриддин — инсонпарвар, ҳушчақчақ, иродали, олижаноб киши сифатида гавдаланади. Режиссёр бу образга поэтик сайқал берган. Бу эса фильмга халқ оғзаки ижодиёти стилистикасига мос келадиган руҳ бағишлаган.

Наби Ғаниев ижодий ғайратга, янги режаларга тўла вақтда вафот этди. Лекин унинг талантли фильмлари жаҳон экранларида муваффақият билан намойиш қилинмоқда, улкан санъаткор тарбиялаган режиссёрлар, актёрлар, операторлар ўз устозлари бошлаб берган ишни давом эттирмоқдалар.

Собир Абдулла

ХОТИРА

Москва ва ленинградлик кинорежиссёр ва сценарийчилар «Тоҳир ва Зуҳра» драмаси асосида киносценарий яратиш лозимлигини айтдилар. Бу ишни бошлаш учун менинг ёнимга москвалик машҳур кекса сценарийчини консультант қилиб қўшиб, атоқли кинорежиссёр, дўстим Наби Ғаниев билан Йўлдош Аъзамов тўрталамизни Шоҳимардонга «Тоҳир ва Зуҳра» киносценарийсини яратиш учун жўнатдилар.

* * *

Биз учун Шоҳимардон эмас, район маркази — Водил қишлоғидаги икки тўғон устидаги мироблар шийпонига жой ҳозирланган эди. Биринчи кунларда икки тўғон шаршарасининг шовқуни, сувнинг шабадасида ўлтириб сўзлашиш ҳам қийин бўлган бўлса, аста-секин кўникдик ва ижодий иш жуда қизиб кетди.

Наби Ғаниев серҳаракат, талабчан режиссёр, хуш табиат, андишали йигит эди.

Ишимиз кундан-кунга жиддийлашиб, кечалари сценарий устида жиддий мунозара олиб бориб, эртаси ёзиладиган кадрларни белгилаб оламиз, чойсиз, тушликсиз ёзишга ўлтириб, кунни кеч қиламиз, тоғ кунларни нонсиз ўтказсак, тоғ кунлари қозонимизда мой қайнайди. Мана шундай кунларда Наби Ғаниев тоғ ғазаб билан, тоғ қўшиқ хиргойи қилиб, асарнинг муваффақияти устида бош қотиради. Бизни ҳам ўзидек тинимсиз ишлатади. Чунки биз билан борган кекса консультантга у ернинг ҳавоси ёқмай, кўпинча касаллик билан кун ўтказса, менинг сценарий ёзишда тажрибасизлигим режиссёрларнинг ишига халақит берар эди. Наби Ғаниев ортиқ жонсаракли билан тинимсиз, тоғ ўз ишидан мамнун, тоғ папирос йўқлигидан бадхумор!

Ишчан, талабчан режиссёрлар ёнида масъулиятли ва фахрли топшириқни бажаришда қийинчиликларни бирга енгиб, «Тоҳир ва Зуҳра» киносценарийсини бир ойда ёзиб тамомладик.

Эртасига Тошкентдан, сценарийни ўқиб, қабул қилиш учун мутахассисларни бирга олиб, Ўзбекистон Марказкомининг биринчи секретари Ўртоқ Усмон Юсупов Водилга етиб келди. Асар муҳокама қилиниб, ижодий ҳамкорлиқда яратган ишимиз маъқулланди. Бироқ сценарийда қўшиқлар камайгани, рақсларга ўрин қолдирилмаганлиги ишимизни яна чўзди. Яъни, яна бир ой ўтириб, режиссёрлар билан «Тоҳир ва Зуҳра» музикали драмасидаги ария ва рақсларни кинога киргизиш каби мужассам ишни бажаришга тўғри келди.

* * *

Кино иши нақадар масъулиятли, нақадар мураккаб эканлигини бу ажойиб, тинимсиз, серзавқ, хуш феъл, чарчаш нима, билмайдиган Наби Ғаниев билан ишлаб билдим.

Суратга олиш бошланиб кетди.

Ҳали Самарқанд Регистонида, ҳали Ўргутнинг азамат чинорлари остида, ҳали Шоҳимардоннинг зилол сувлари бўйида, ҳали «Родина» кинотеатри биносида қурилган муҳташам декорациялар атрофида юзлаб, минглаб иштирокчиларга ҳолат ўргатиб, ҳар томонга югуриб юрган Наби Ғаниевни учратиш мумкин эди.

Оғир йилларда «Тоҳир ва Зуҳра» киноси муваффақиятли суратга олинди.

Салкам чорак асрдан бери фильм жаҳон экранларидан ўрин олиб, томошабинларга манзур бўлиб келмоқда. Бу Наби Ғаниевнинг катта хизматидандир.

«НАСРИДДИН АФАНДИ САРГУЗАШТЛАРИ» ФИЛЬМИ ҲАҚИДА

Я. Протазанов вафотидан кейин унинг шогирди, ўзбек кинорежиссёри Наби Ғаниев яратган «Насриддин Афанди саргузаштлари» [1946 йил] ҳам шак-шубҳасиз катта муваффақият қозонди. Бу фильмда бош ролни таниқли ўзбек артисти Р. Ҳамроев ижро этди. Н. Ғаниев билан Р. Ҳамроев биргаликда Насриддин афанди образини юксак талқин этишга эришдилар. Улар уни ўткир сатира ва юмор билан, гўзал лиризм билан бойитдилар.

Ростислав ЮРЕНЕВ,
санъатшунослик фанлари доктори.
Москва.

«ТОҲИР ВА ЗУҲРА» ФИЛЬМИ ҲАҚИДА НЕМИС ГАЗЕТАЛАРИДА БИЛДИРИЛГАН ФИКРЛАР

«Унинг асосий латофати узоқ Шарқ муҳитининг жозибадорлиги, сирлилиги ва софлигидадир. [Газета «БЕРЛИНЕР ЦЕЙТУНГ», 1964 йил, 18 апрель].

* * *

«Бундай янги рус фильмининг майдонга чиқиши кутилмаган бир ходиса эмас эди. Совет тартиби миллий кино маҳсулотларининг кўпайиши ва ривожланишига доимо ёрдам бериб келди».
[Газета «МОРГЕН ТИЛИНГЕН» 1947 йил, 4 март].

«ЙИГИТ» ФИЛЬМИ ҲАҚИДА

«Йигит» фильми яхши, реалистик оҳангда, катта режиссёрлик маҳорати билан, ажойиб актёрлик деталлари билан ажралиб туради. Оператор А. Булинский томонидан аъло даражада суратга олинган бу фильм ўз актёрларининг миллий тилида яратилган ўзбек кинематографияси тарихининг биринчи саҳифаси бўлиб қолади. «Йигит» фильми баъзи бир камчиликлардан қатъий назар Шарқ фильмига хос антиреалистик сўқмоқдан чиқиб кетди. «Йигит» фильмининг яратилиш тарихи яна шуниси билан ҳам диққатга сазовор-ки, бу фильм ишига бутун коллектив жалб этилди. Кишиларда ўз ишининг келажагига, ижодий тараққиётига ишонч уйғотди.

А. УСОЛЬЦЕВ,
Кино режиссёр,
Москва 1935 йил.

УЛКАН САНЪАТКОР МЕРОСИНИ ЎРГАНАЙЛИК

Режиссёр Наби Ғаниев ижодий меросини ташкил этувчи «Юксалиш» (1931 йил), «Рамазон» (1932 йил), «Йигит» (1935 йил), «Жасур дўстлар» (1941 йил), «Тоҳир ва Зуҳра» (1945 йил), «Насриддин Афанди саргузаштлари» (1946 йил) ва «Фарғона қизи» (1948 йил) бадиий фильмлар СССР Давлат фильмофондида (Москва) сақланиб келмоқда. Ҳозиргача Ғаниев яратган биргина фильм — «Ажойиб иш» (1931) фильмофондларда ҳам кинопрокат корхоналарида ҳам учрамаяпти.

Ишонамизки, кинематографчи ходимлари, санъатшунослар ва навқирон санъат мухлисларини Ғаниевнинг сценарийчи ва киноназариётчиси сифатида яратган асарлари ҳам қизиқтиради. Лекин ҳозиргача бу улкан санъаткор битган сценарийлар «Теша ва Миша» «Алпомиш», назарий мушоҳадалар («Киносценарий», «Киноактёр», «Ўзбек кино санъатининг равнақи» ва бошқа материаллар) топилгани йўқ. Ўзбек кино санъатининг жонкуяри Н. Ғаниевнинг ижодини чуқур ўрганиб, илмий тадқиқотларда кенг ёритишга киришган санъатшунослар киноархив ва кутубхона фондларида ана шу асарларни изламоқдалар. Наби Ғаниевнинг қаламига мансуб бўлган (қўлёзма, ёки нашр этилган) асарларни излашда, ўрганишда кўмаклашинг, ҳурматли газетхонлар! Бу ижодкорнинг ҳарбир — катта ёки кичик — асарида теран фикрлар айтилган, санъатимизда ҳалигача ечилмаган айрим проблемалар ҳақида атрофлича мушоҳадалар қилинган.

Чапдаги суратга бир назар ташланг. Ҳаммага маълум ва машҳур бўлган Насриддин Афанди одамлар орасида турибди. Қаршисидаги ёвуз ниятли бир кимсага заҳарханда табассум қилмоқда. Бу реклама **«Насриддин Бухорода»** фильми учун ишланган эди.

Иккинчи расм **«Тоҳир ва Зуҳра»** фильмидан. Уни сиз бир эмас, бир неча марта мароқ билан томоша қилгансиз.

Учинчи сурат Наби Ғаниевнинг **«Фарғона қизи»** кинофильмидан. Бу фильм ҳам бир вақтлар томошабинлар томонидан мароқ билан кўрилган эди.

Сўнгги сурат — Наби Ғаниевнинг дастлабки фильмлардан бири **«Йигит»**дан бир кадр.

БУ САҲИФАНИ САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ КАНДИДАТИ ҲАМИДУЛЛА АКБАРОВ ТАЙЁРЛАГАН.

Жаҳон ойнаси

ЖАЗОИР АНЖИРИ

Кабилияга (Жазоир Республикаси районларидан бири) биринчи марта борган ҳарқандай кишининг эътиборини тоғ ёнбағриларида ўсиб ётган катта-катта баргли, тўқ кўк ҳатто кулранг мевали дарахтлар ўзига тортади. Бу анжир дарахти бўлиб унинг мевасини кўп мамлакатларда биладилар. Жазоирда 8 миллион тупдан ортиқ анжир дарахти бор. Бу дарахтларнинг асосий қисми (деярли 80 проценти) Кабилия районидадир. Бу район тоғ ва тошлоқ бўлишига қарамай, анжир кўп тарқалгандир. Анжир маҳаллий фаллоҳ (деҳқон)лар овқати ҳисобланади.

Жазоирда ҳар йили 750—800 минг центнер анжир етиштирилади. Ҳосилнинг ҳаммаси мамлакат ичкарисида истеъмол қилинади, озгина қисмигина чет элга, асосан Францияга чиқарилади. Ҳозир Жазоирда анжир қоқи экспорт қилишни йилига 4000 тоннага етказиш мўлжалланмоқда.

В. Корзелев, (ТАСС мухбири).

Тарих саҳифаси

Мамлакатни португаль мустамлакачиларидан озод қилиш халқ ҳаракати атрофига уюшган ватанпарварлар Ангола тарихига катта эътибор бермоқдалар. Ангола озодлиги учун халқ ҳаракати (МПЛА)нинг Доруссаломдаги штаб-квартираси яқинда чиқарган махсус бюллетенида қизиқ бир тарихий воқеа келтирилган.

Аёл подшо Анни Зинго-Мбанди - Нгела 1581 йилда қадимги Нгела қироллигининг пойтахти Кабассада туғилган. У ўз отаси Нгела Килуаньи каби мағрур, жасур бўлиб, чет эл босқинчилари — португалияликларни ёмон кўрарди. Шунинг учун ва адолатлилиги учун халқ ҳурмати ва муҳаббатини қозонган эди. Лекин подшонинг ўғилларидан бири шуҳратпараст бўлиб, у хоинлик қилади. У португаль босқинчиларига сотилиб кетади ва уларнинг ёрдамида ўз биродарларини, Нгеланинг фарзандларини ўлдиради. Аёл подшо ўрмонга кириб яширинади ва чет эл босқинчиларига қарши халқни исён кўтаришга чорлайди. Португалиялик босқинчиларга қарши кураш 30 йилдан ортиқроқ давом этди. Португаллар аёл подшо Нгела отрядларининг қаршилигини бостира олмадилар ва музокара бошлашга мажбур бўлдилар. Аёл подшо Зинга-Мбанди-Нгела ўз умрининг охиригача португаллар ҳукмронлигига нафрат билан яшади ва 82 ёшида вафот этди.

В. ИВАНОВ.

ТАСС мухбири.
Доруссалом.

ТАЖРИБАМИ ЁКИ СУИҚАСД?

Жаҳон матбуоти шу йил январь ойида Лос-Анжелосда дунёда биринчи марта тирик инсон музлатилгани ҳақида хабар бермоқда. У тузалмас рак касалига гирифтор бўлган 73 ёшли психология профессори Жеймс Бедфордир. Врачлар унинг тузалиб кетишига умид йўқлигини рўйрост айтганларидан сўнг профессор бу хавфли тажрибага розилик берган. Касалхонада ўлими яқинлашгач, Бедфорд ўз хоҳишига кўра музлатилди. Унинг танаси шу ҳолатда то ранка даво топилгунча туради.

Бу тажрибани ўтказган мединклар жамияти президентининг айтишига қараганда, мия ҳужайралари ҳаётини узоқроқ сақлаб қолиш ниятида танани музлатиш даврида сунъий равишда нафас олдирилган ҳамда юракни массаж қилинган. Учта олим танадаги барча суюқликни тортиб олиб, ўрнига совутадиган эритма қуйганлар. Музлатилган тана эриб кетмаслиги учун махсус пўлат идиш (капсула)га қўйилди. Унда ҳарорат доимо бир хил — 91 С бўлади.

Кўпгина америкалик машҳур олимлар бу тажрибани «бемаъни иш», «ўта соддалик» деб атамоқдалар. Шунингдек улар танани музлатиш тажрибасини хаёлий утопия ҳисоблаб, муваффақиятсиз чиқади деб таъкидламоқдалар.

(«Литературная газета»дан).

НИГЕРИЯ МАТБУОТИ ХИТОЙДАГИ ВОҚЕАЛАР ҲАҚИДА

Нигерия газеталарининг саҳифаларида ҳар куни турли ахборот агентликлари мухбирларининг, маҳаллий шарҳловчиларнинг Хитойдаги воқеаларга доир мақолалари,газетхонларнинг хатлари босилиб чиқмоқда. Уларнинг кўпчилигида тўпалон қилаётган Мао Цзе дунчиларнинг хатти-ҳаракатларидан ташвишланиш, ҳайратланиш ва ғазабланиш туйғулари ифодаланган.

Ўзи учун социализм йўлини танлаган бир мамлакатнинг тўсатдан компартия кадрларини уриб — сураётган, безори хунвейбинларнинг, майдонига айланиб қолгандан нигерияликлар таажжубланмоқдалар.

«Уэст Африкэн Пайлот» газетаси ўз саҳифаларида Хитойдаги воқеалар билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама қилишга доир материалларга катта ўрин бермоқда. Газета хусусан Осиё ва Африка мамлакатларининг бирдамлик ҳаракатини ўзларига бўйсундириш учун уринаётган хитойлик бузғунчиларнинг ирқчилик пропагандаларини фош қилмоқда.

Газета пекинлик ирқчиларнинг ҳийла-найранглари, уларнинг Осиё ва Африка бирдамлик ҳаракатига «Хунвейбинларнинг ёввойи методларини жорий этиш учун уринаётганларини кўрсатиб, бирдамлик ҳаракати қатнашчиларининг конференцияси бундай шароитда Пекинда ўтказишга қарши чиқяпти.

«Уэст Африка Пайлот» газетаси Мао Цзе дун тўдасининг Советларга қарши қилаётган ҳаракатларини қоралаб, Совет Иттифоқи Африка мамлакатларининг тўла сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эришишлари учун катта ёрдам берди ва беряпти деб қайд қилиб ўтади.

Четей Имонита «Маонинг нафсонияти» деган мақоласида ХҚП Марказий Комитети XI пленумининг «маданий революция» ҳақидаги қарорини таҳлил қилади ва «Маонинг ҳаддидан ошган нафсониятини қондириш учун хитойлик раҳбарлар бу қарорни Осиё ва Африка мамлакатларига ҳам ёйиш учун уринишлари мумкин деган хавфни кўрсатади.

Ҳукумат газетаси «Морнинг пост» Хитойдаги воқеалар ҳақида бир қатор материалдар босиб чиқарди. «Хитой ва тинчлик» деган мақола автори Обаджан Нванзе хитойлик раҳбарларининг вояга етмаган ёшларни қандай қилиб ёввоий шовинизм ботқоғига тортаётганликларини, ҳозирги пайтда уларнинг қандай қилиб марксизм-ленинизм позициясидан чиқиб кетганликларини ва Америка империализмининг ёрдамчисига айланиб қолганликларини ишонарли фактларда кўрсатиб беради.

Социалистик дунёнинг етакчиси бўлган Совет Иттифоқига қарши қаратилган «Маданий революция» — деб ёзади Нванзе, — халқаро проблемалар ва ҳокимиятни қўлга олиш масалаларини ҳал қилишда халқларнинг ички ишларига зўравонлик билан аралашишни восита қилишга йўл қўймайдиган марксча-ленинча ташқи сиёсат позициясидан Хитойнинг воз кечганини англатади. Хитой тутаётган бу нотўғри йўлни Мао Цзе дуннинг ўзи ишлаб чиқди». Сиёсий жиҳатдан яккаланиб қолган Хитой раҳбарлиги, — деб қайд қилади автор, — халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатини парчалаб юбориш учун ҳамма нарсани қиляпти. «Хитой империализмга қарши курашяпмиз, деб баланд овоз билан гапиради-ю, аммо ўзини яширин равишда етакчи империалистик давлатларнинг шеригидек тутяпти» дейилади мақолада.

Нигерия меҳнаткашларининг тараққийпарвар газетаси «Эдванс» ҳам хитойлик бузғунчилар ва ғоявий айниганларни кескин қораламоқда. Йоруба тилида чиқаётган «Ирохин Имоле» газетаси ҳам шундай руҳда ёзяпти.

Е. КОРШУНОВ
АПН махсус мухбири.
ЛАГОС.

ДИКТАТОР ПАКНИНГ БИЗНЕСИ

Сеуллик хунта океан ортидаги хўжайинларига ўз садоқатини кўрсатишга уриниб, Жанубий Вьетнамга юбориш учун янги «тўп еми» тайёрлаб қўйди. «Меҳнат экспедицион корпуси деб аталмиш қисм тахт қилиб қўйилди. Унинг составида 20 минг киши бор. Улар ўз юртларидан жуда олисдаги чангалзорларда нима иш қиладилар? Улар ҳарбий аҳамиятга эга бўлган қурилишларда ишлайдилар, америкаликларнинг жазо операцияларида қатнашиб, уларга ёрдам берадилар.

Франсс Пресс агентлигининг Жанубий Корея сиёсий машинасини яхши биладиган мухбири: корейцларнинг янги корпусини тузиш ва жўнатиш «ҳукумат программасининг асосий элементларидан биридир, бу программа Жанубий Корея бу йил Вьетнамдаги урушдан 200 миллион доллар пул ишлаб олишини кўзда тутади» деб ёзди.

«Вьетнамдаги урушдан пул ишлаб олиш...» шу иборанинг ўзиёқ Вашингтон олдида итоаткорлик билан тиз чўкадиган, ўн минглаб кишилар ҳаётини пулга чақаётган сеул режимининг манфур башараси қандайлигини кўрсатиб турибди. Диктатор Пак Чжон Хи «пулнинг иси бўлмайди, деган қоидага амал қилаётгани анчадан бери маълум. «Жаҳлдор йўлбарс» дивизияси н и Жанубий Вьет н а м г а юборган ҳам унинг ўзи. Бунинг эвазига Пентагон чўнтагини саҳийлик билан қавлади. Пак Чжон Хи тегишли ҳақ олди.

Шундан кейин қўғирчоқ диктаторнинг иштаҳаси очилиб кетди. Пак «иқтисодий планлар нуқтаи назаридан Вьетнамдаги уруш Корея Республикасига қулай имкониятлар беради, бу имкониятлардан фойдалана олмасак, кечирилмас ҳол бўлур эди» деб очиқ-ойдин айтиб, иштаҳаси нақадар очилганини тан олди. У «Жаҳлдор йўлбарс» дивизиясидан кейин Сайгондаги Америка қўмондонлигига «Оқ от» дивизиясини, «Кўк аждар деган денгизчи пиёдалар бригадасини, шунингдек бир неча «махсус» ҳарбий қисмларни «сотиб юборди».

Чангалзорда жазо операцияси ўтказишга ўргатилган Пак каллакесарларининг умумий сони 50 минг кишидан ошиб кетди. Бу эса АҚШ нинг агрессияда қатнашаётган бошқа иттифоқчилари — Австралия, Янги Зеландия, Филиппин ва Таиланд биргалиқда Жанубий Вьетнамга юборган қўшинларидан ўн баравар кўпдир. Шундан кейин америкалик қуролфурушлар яна пул чиқаришди. Жанубий Кореяга 150 миллион долларлик фавқулодда заём берилди, 1967 йилда ҳарбий ёрдам анча кўпайтирилди. Пак ва унинг мулозимлари Америка миллионларининг ҳаммасини хазинага қўйгани йўқ. Пулнинг анчагина қисми уларнинг чўнтагига тушди.

Вашингтон қанча кўп тўласа, ёлланувчиларни шунчалик пухта танламоқдалар. «Жаҳлдор йўлбарс», «Оқ от», «Кўк аждар» ўзининг ҳаддан ташқари шафқатсиз эканлигини кўрсатди. Жанубий Корея денгизчи пиёдалари бригадаси Куанггай вилоятида 20 кун давом этган жазо операцияси давомида Американинг 101-авиадесант дивизияси билан ҳамкорликда 40 мингдан ортиқ бегуноҳ кишиларни ваҳшийларча қириб ташлади. Шуни эслатиб ўтиш ўринлики, 101-дивизия Корея уруши давридаёқ «шуҳрат» чиқарган эди. Бу дивизия солдатлари огнемёт ва пулемётлардан ўқ ёғдириб, Кочжедо оролида қурилган концентрацион лагердаги халқ армиясининг асирга тушиб қолган қуролсиз аскарларини шафқатсизлик билан қириб ташлаган. Бугунги кунда эса улар жанубий кореялик каллакесарлар билан биргаликда Вьетнам ерида ваҳшийлик қилмоқдалар. Авиадесантлар ва жанубий кореялик денгизчи пиёда аскарлар Куанггай вилоятининг Шонтинь ва Биньшон деган икки округида айниқса беҳад ваҳшийлик қилдилар. Бу ерда улар қариялар, аёллар ва гўдакларни ўлдирдилар.

Қотилларга яхши ҳақ тўлашяпти. Уларни Пентагон боқяпти. Пак Чжон Хи Жанубий Вьетнамга юборилган ҳар бир солдат эвазига ойига 100 доллар «чўтал» оляпти. Ҳар бир офицер учун эса 200 доллар оляпти.

Кўпроқ пул ишлаб қолиш учун сеуллик ҳокимлар Жанубий Вьетнамга ишчи кучи юборишнинг «ҳукумат программаси»ни ишлаб чиқишди. Ҳарбий резервчиларни, асосан сапёрлар, қурувчилар, ремонтчиларни юбориш афзалроқ деб ҳисоблашмоқда. Бу йил ана шундай мутахассислардан 50 минг кишини ёллаш планлаштириб қўйилган.

Хунта Тогу шаҳридаги бирнеча фабрикани америкалик ва жанубий вьетнамлик аскарларга кийим-бош тикишга мослаштирди. Сеул, Ингон, Пусан корхоналари босқинчилар учун чангалзорда кийиб юриш қулай бўлган ботинкалардан бир миллион жуфтча ишлаб чиқарди.

Февралнинг бошларида Жанубий Корея саноат ва савдо министрлиги Қўшма Штатларининг буюртмасига мувофиқ Сайгонга жўнатиш учун мўлжалланган товарлар рўйхатини кенгайтирди. Булар қандай товарлар? Озиқ-овқат, ойна, миллиқ ва автомат, кийим-кечак ва ҳоказолардир.

Диктатор ўз «давлати» Вьетнам урушидан пул ишлаб олаётганини айтиб мақтанмоқда. Чангалзорга юборилган жанубий кореялик аскарларнинг ота-оналари-чи, улар нима дейишяпти? Улар ўз фарзандларидан жудо этганларга лаънат ўқимоқдалар. Улар ўлимфурушларни, Жанубий Вьетнамдаги минглаб бегуноҳ кишилар қони ва ном-нишонсиз ўлиб кетаётган жанубий кореялик аскарлар эвазига бойлик ортираётганларни лаънатламоқдалар.

Д. УСАТОВ.
(АПН).

Австралия. Тасмания штатининг пойтахти Хобарте шаҳрида яқинда кучли ёнғин бўлиб ўтди. Маълумотларга қараганда минглаб уйлар ёниб кетган. Кўпгина ҳалок бўлганлар ҳам бор.

СУРАТДА: Хобарте шаҳрининг чети ёнғиндан сўнг.

ЮПИ—ТАСС радио фотоси.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.



ТОБЛАНГАН ТАЛАНТ

24 февралда совет адабиётига асос солган адиблардан бири совет адабиётининг йирик намоёндаси Константин Александрович Федин туғилган куннинг 75 йиллиги нишонланади. К. Федин ёш совет республикаси қўлига қурол олиб Октябрни ҳимоя қилаётган йиллардаёқ йирик ёзувчи бўлиб танилган эди. Ёзувчи асарларининг қаҳрамонлари революцион жангоҳларни бошидан кечирган, гражданлар урушида тутун шимирган, беш йилликлар даврида шижоатли меҳнат қилган. Улуғ Ватан уруши йилларида немис-фашист босқинчиларининг додини берган совет граждани — буюк инсон образидир. К. Федин асарларида Коммунистик партиянинг ёш жамиятни тиклашда олиб борган кураши реалистик бўёқларда акс эттирилган. Совет адабиётида салмоқли ўринни эгаллаган «Биринчи қувончлар», «Ажойиб ёз», «Гулхан» романларида акс эттирилган Кирилл Извеков ва Пётр Рагозин образлари совет адабиётида коммунист образини акс эттирган типик ва реал образлардир. Ёзувчи ижодида айниқса революцион санъатнинг ривожланиш йўллари проблемаси, рассом ва зиёлининг революцияда тутган роли, санъат намоёндасининг социалистик жамиятдаги масъулияти масалалари алоҳида ўрин эгаллайди. Академик К. А. Федин адабиётнинг йирик назариячисидир. У адабиётнинг ғоявий мазмунини янада чуқурлашиши ва формаларининг такомиллашиши учун тинмай кураш олиб бормоқда. К. А. Федин СССР ёзувчилар ташкилотининг раиси сифатида совет адабиётига кўпгина ёш талантларни олиб кирди-ки, улар совет адабиётининг кўпгина проблематик масалаларини ёритган ажойиб асарлар яратдилар.

СУРАТДА: К. А. Федин ўз ижод хонасида.

В. Савостьянов фотоси,
ТАСС фотохроникаси.

● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Радио тўлқинларида

23 ФЕВРАЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.10 А. Навоий юбилейи олдидан. Филология фанлари кандидати А. Абдурашидовнинг **«Улуғ шоир сатираси»** деган суҳбати (ўзбекча).

19.00 Футбол. «ЗЕНИТ» (Ленинград) — «ПАХТАКОР». «Пахтакор» стадионидан олиб эшиттирилади.

20.00 «Октябрь» радиостанциясининг программаси (русча).

20.30 Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти ҳақида қўшиқлар.

21.20 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт.

22.00 «Қардош Коммунистик партиялар ҳаётидан» (ўзбекча).

22.10 Совет Армияси жангчиларининг талабларига мувофиқ концерт.

22.40 Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги олдидан. С. Волгин. «Ўтмишда бўлган воқеалар» циклидан (русча).

23.20 Совет Армияси жангчилари учун байрам концерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Совет Армияси жангчилари учун талабларга мувофиқ концерт ва музикали саломлар.

19.30 Ойдин. «СУҲБАТИ ЖОНОН». Радиоинсценировка (ўзбекча).

20.10 Ўзбекистон композиторларининг романслари.

20.50 «Қишлоқ қурилишлари» (русча).

21.00 Тожик халқ куйлари.

21.30 Янги Тошкентни қураётганлар учун концерт.

„Зангори" экранда

23 ФЕВРАЛДА

БУГУН — СОВЕТ АРМИЯСИ ВА ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИ КУНИ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида:

18.00 Футбол. Қишки турнир. «ПАХТАКОР» (Тошкент) — «ЗЕНИТ» (Ленинград). Танаффус вақтида телевизион янгиликлар.

19.45 Телевизион янгиликлар (ўзбек тилида).

20.00 Жанговар шон-шуҳрат клуби.

Ўзбек тилида:

21.30 Жангчиларнинг ота-оналарига йўллаган музикали саломлари.

22.10 Кино янгиликлари.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида:

18.00 Қаҳрамон пионерлар.

18.30 Ўқув эшиттиришлари программаси. Ўқувчилар учун.

19.15 Сиртдан таълим олаётган студентлар учун. **«Чизма геометрия».**

19.50 Телевизион янгиликлар.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Ўқувчилар учун. **«Бу ерда революция бўлган».** Ленинграддан олиб кўрсатилади.

20.30 Қишлоқ янгиликлари.

21.00 Телевизион янгиликлар.

21.20 Музикали маяк.

21.30 Халқаро мавзуларда эшиттириш.

22.00 БАДИИЙ ФИЛЬМ.

23.30 Телевизион янгиликлар.

23.50 «Ўтган йўлимизни эслаймиз». Совет Армиясининг 49 йиллигига бағишланади.

01.30 Москва эшиттиришларининг охири.

24 ФЕВРАЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида:

17.55 Эшиттиришлар программаси.

18.00 Телевизион янгиликлар.

18.15 Композиторлар — болаларга. Г. Успенский номидаги мактаб ўқувчилари ижросида С. Прокофьевнинг 12-пьесаси.

18.45 Эшиттиришлар программаси, реклама ва эълонлар.

Ўзбек тилида:

19.00 И. Султонов. «ИМОН». **Тўқимачилар саройи драматик коллективининг спектакли.** Танаффус вақтида телеянгиликлар.

21.30 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун «ЮБИЛЕЙ ЙИЛИДА МУЛ ҲОСИЛ» деган эшиттириш.

Рус тилида:

21.45 «Герблар ҳикоя қилади» (Ўзбекистон шаҳарлари герблари конкурсига).

22.15 Оперетта тарихидан. Жак Оффенбах.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида:

17.55 Эшиттиришлар программаси.

18.00 «Комсомолдан ўрнак ол». Ўқувчилар учун эшиттириш.

Рус тилида:

18.30 Ўқув эшиттиришлари программаси. Сиртдан таълим олаётган студентлар учун. **«Чизма геометрия».**

19.35 Телевизион янгиликлар.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.45 Ўқувчилар учун. **«Пионерия»** телевизион агентлиги.

20.20 «Знание». Илмий оммабоп эшиттиришлар программаси.

20.50 Телевизион янгиликлар.

21.00 Э. Плугарж. **«Агар мени ташласанг».** Телеспектакль премьерасининг биринчи қисми. Киев шаҳридан олиб кўрсатилади.

22.00 Янгиликлар эстафетаси.

22.50 Э. Плугарж. **«Агар мени ташласанг».** Телеспектакль премьерасининг иккинчи қисми. Киев шаҳридан олиб кўрсатилади.

23.50 «Ғалабамиз қўшиқлари». Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти кунига бағишланади.

01.10 Москва эшиттиришларининг охири.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 24/II да **Оққуш кўли.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/II да **Улимдан кучли**, 24/II да **Парвона.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/II да **Ватан ишқи**, 24/II да **Ишқинг билан.**

Кино театларда

23 ФЕВРАЛДА

Уларни афтидан таниридилар — НАВОИЙ номли «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ЧАЙКА», СПУТНИК» (кечқурун), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда 1-залда кеч соат 8 да), САНЪАТ САРОЙИ (кеч 5 ярим 7 ярим ва 9-15 минутда).

Эльбадаги учрашув — «МОСКВА» (кечқурун).

Алвидо — «ДРУЖБА» (2-залда жуфт соатларда).

Туннель — «ФЕСТИВАЛЬ» (кечқурун).

ФАРҒОНА ШАҲРИДА
26 февралда
Ўзбекистон ССРнинг 1967 йил 1-чиқариш пул-буюм лотереясининг
ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ БЎЛАДИ

Тиражда 877500 сўмлик 612500 та ютуқ ўйналади.

Ютуқлар орасида: 5 — «Волга», 5 — «Москвич» автомашиналари, 5 — «ИЖ-Планета», 5—«М-63» коляскали мотоцикллар, 10 — пианино, кўп миқдорда телевизорлар, холодильниклар, гилам ва гилам поёндозлар ҳамда кўпгина бошқа қимматли буюмлар бор.

Лотерея билетларини сотиб олинг!

● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 бет

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳри, Дзержинский кўчаси, 15-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор В3-02-49 дан В3-02-58 гача. Қўшимча телефонлар: секретариат—5-62; партия, совет ва касаба союз ташкилотлари бўлими—3-66; саноат, қурилиш бўлими—3-66; адабиёт санъат ва маданият бўлими—7-83; шаҳар хўжалиги бўлими—7-83; физкультура ва спорт бўлими — 3-79; хатлар ва оммавий ишлар бўлими —3-79; (шаҳар телефони —В3-65-57); фан ва олий ўқув юртлари бўлими —7-84; иллюстрация бўлими — 7-84; эълонлар бўлими —5-07; (шаҳар телефони— В3-81-42).

23 ФЕВРАЛЬ 1967 Й Р. 00673. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр. А. № 2340.